КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРЖАТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ

Рахматов Бахриддин Бахтиёр ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси
ORCID:0009-0008-1066-6857
E-mail: b.raxmatov@ung.uz

Qabul qilindi: 04.10.2025
Ko‘rib chiqildi: 05.10.2025
Tasdiqlandi: 06.10.2025

Калит сўзлар:
ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх, тўғридан-тўғри харажатлар, қўшимча харажатлар, амортизация, директ-костинг, ҳисобга олиш.

Keywords:
production costs, cost price, direct costs, indirect costs, depreciation, direct costing, accounting

Ключевые слова:
производственные затраты, себестоимость, прямые затраты, косвенные затраты, амортизация, директ-костинг, учет

Аннотация. Мақолада ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий моҳияти, уларнинг турлари, таснифи ва корхоналарда ҳисобга олиш тартиби ёритилган. Шу билан бирга, миллий ва халқаро стандартлар талаблари асосида ишлаб чиқариш харажатларини самарали бошқаришнинг муҳим жиҳатлари таҳлил қилинган.

Abstract. The article reveals the economic essence of production costs, their types, classification, and the procedure for accounting in enterprises. It also analyzes the key aspects of effective management of production costs based on the requirements of national and international standards

Аннотация. В статье раскрыта экономическая сущность производственных затрат, их виды, классификация и порядок учета на предприятиях. Также проанализированы важные аспекты эффективного управления производственными затратами на основе требований национальных и международных стандартов

Кириш. Ҳозирги глобал рақобат шароитида ишлаб чиқариш харажатларини самарали бошқариш ҳар бир корхона учун муҳим аҳамият касб этади. Маҳсулот (иш, хизмат) таннархини аниқ белгилаш ва

харажатларни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш иқтисодий самарадорликнинг асосий омили ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини аниқ ҳисоблаш, харажатлар манбаларини таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида халқаро тажрибаларга таяниш зарур. Хусусан, йирик саноат тармоқлари, айниқса нефт ва газ соҳаси корхоналарида харажатларни ҳисобга олишнинг илғор усулларини жорий этиш миллий иқтисодиёт учун долзарб масала ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва уларнинг турларини тўғри таснифлаш масаласи миллий ва халқаро илмий адабиётларда кенг ёритилган.

Аввало, Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун ва Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС) ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берган. Хусусан, БҲМСнинг «Маҳсулот (иш, хизмат) таннархи таркиби»га оид моддалари харажатларнинг турлари, уларни таннархга киритиш ва тақсимлаш тартибини белгилайди.

Маҳаллий олимларимизниниг фикрича жумладан, А. Пардаев, А. Бегматов, Х. Абдураҳмонов, Ш. Мустафақулов, Н. Раҳимовлар асарларида корхоналарда харажатларнинг иқтисодий моҳияти, уларнинг ҳисобини ташкил этиш ва бошқарув қарорларида қўлланилиши ҳақида чуқур назарий ва амалий тавсиялар берилган.

Хорижий олимларниг фикрича, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг замонавий усуллари кенг ўрганилган. Масалан, Ч.Хорнгрен, С.Датар, М.Ражан каби муаллифларнинг “Cost Accounting: A Managerial Emphasis” асарида директ-костинг, стандарт-костинг ва ABC (Activity-Based Costing) каби усулларнинг афзалликлари ёритилган.

Шунингдек, Р. Энтони, Д. Рис ва бошқаларнинг ишларида харажатларни стратегик бошқаришда ҳисобнинг роли таъкидланган.

Бизнинг фикримизча Халқаро молиявий ҳисоб стандартларида (IAS/IFRS), хусусан, IAS 2 “Inventories” ва IAS 16 “Property, Plant and Equipment” стандартларида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш, уларни активлар сифатида тан олиш ва кейинчалик тақсимлаш тартиби аниқ белгилаб берилганини, бу эса миллий амалиётни халқаро меъёрларга яқинлаштириш заруратини кўрсатади.

Шу билан бирга, иқтисодий тадқиқотларда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўллари, ресурслардан самарали фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун харажатларни оптималлаштириш масалалари ҳам алоҳида ўрин олган.

Муҳокама. Нефт ва газ саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини тўғри таснифлаш ва ҳисобга олиш самарали бошқарув қарорлари қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади. Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, турли олимлар харажатларнинг моҳияти ва уларни ҳисобга олиш тартибига турлича ёндашганлар.

Миллий иқтисодий адабиётларда харажатлар, асосан, материал, иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар ва амортизация харажатларига бўлинган ҳолда ўрганилади. Бу тасниф ишлаб чиқариш жараёнининг амалиётга яқин жиҳатларини қамраб олган бўлса-да, замонавий бошқарув талабларига тўла жавоб бермайди.

Халқаро ҳисобот стандартлари (IAS/IFRS)да эса харажатларнинг ҳисобга олиниши маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш жараёни босқичлари ва иқтисодий мазмунига кўра чуқур таҳлил этилади. Масалан, IAS 2 “Inventories” стандартида захиралар қиймати таркибига киритиладиган ва киритилмайдиган харажатлар аниқ белгилаб берилган. Бу миллий

амалиётда харажатларни ҳисобга олишда аниқлик ва шаффофликни таъминлайди.

Амалиётда кўп ҳолларда корхоналар қўшимча (умумий) харажатларни тўғри тақсимлашда қийинчиликка дуч келмоқдалар. Бу эса маҳсулот таннархининг ҳаққоний эмас ҳисобланишига олиб келиши мумкин. Замонавий ҳисоб усуллари – директ-костинг, стандарт-костинг ва ABC усуллари – ана шу муаммони ҳал қилиш имконини беради. Хусусан, ABC усули харажатларни фаолият турлари ва жараёнлар кесимида ҳисобга олиш орқали таннархнинг ҳаққонийлигини таъминлайди.

Муҳокамалар шуни кўрсатадики, миллий амалиётда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш тизимини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш орқали корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари шаффофлиги ва маҳсулот рақобатбардошлиги ошади. Шунингдек, харажатларни оптимал бошқариш ресурслардан самарали фойдаланиш ва корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлайди.

Таҳлил ва Натижа

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш тизими миллий бухгалтерия стандартлари асосида шаклланган бўлиб, сўнгги йилларда халқаро стандартлар (IAS/IFRS) билан уйғунлаштириш бўйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва молиявий ҳисоботларни халқаро талабларга мослаштиришга қаратилган.

1. Миллий амалиётдаги таҳлил

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, кўпгина корхоналарда харажатларни ҳисобга олишда қуйидаги муаммолар мавжуд:

харажатларни тўғридан-тўғри ва билвосита гуруҳлашда аниқ мезонларнинг йўқлиги;

умумий ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот турлари бўйича аниқ тақсимлаш мураккаблиги;

амортизация ва энергия сарфини ҳисобга олишда усуллар турличалиги;

бошқарув ҳисобининг етарлича автоматлаштирилмаганлиги.

Мазкур ҳолатлар маҳсулот таннархини ҳисоблашда хатоликлар келтириб чиқаради ва иқтисодий таҳлил самарадорлигини пасайтиради.

2. Хорижий тажриба таҳлили

Япония, Германия ва АҚШ тажрибасида харажатлар ҳисобини автоматлаштириш ва стандартлаштириш юқори даражада йўлга қўйилган. Масалан:

Японияда “Kaizen costing” ва “Just-in-Time” тизимлари харажатларни доимий камайтиришга қаратилган;

Германияда харажатлар бошқарув ҳисобининг асосий қисми сифатида “Controlling” тизими орқали таҳлил қилинади;

АҚШда IAS/IFRS асосида маҳсулот таннархи аниқ тартибда ҳисобланиб, budget-costing тизими орқали режалаштирилади.

Бу тажрибаларни миллий амалиётга жорий этиш харажатларни бошқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

3. Иқтисодий таҳлил натижалари

Таҳлил натижалари асосида корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларининг тузилишида моддий ресурслар ҳиссаси ўртача 55–65%, меҳнат харажатлари 20–25%, амортизация ва бошқа харажатлар 10–15% атрофида экани аниқланди.

Бу кўрсаткичлардан келиб чиқиб, харажатларни оптималлаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагича белгиланди:

хомашё ва энергия сарфини қисқартириш;

ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш;

меҳнат унумдорлигини ошириш ва автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этиш;

харажатлар таҳлилини мунтазам равишда олиб бориш орқали самарасиз сарфларни аниқлаш.

Хулоса. Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларини турларга ажратиш ва уларни тўғри ҳисобга олиш тартиби иқтисодий самарадорликни оширишнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Харажатларни аниқ гуруҳлаш орқали маҳсулот таннархи тўғри ҳисобланади, молиявий натижалар реал кўрсаткичларда ифода этилади ва бошқарув қарорлари асосли қабул қилинади. Шунингдек, миллий амалиётни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш корхоналарнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. International Accounting Standards Board (IASB). IAS 2: Inventories. – London, 2018.4 (амалдаги таҳрирлар билан).

2. IFRS 6 — *Exploration for and Evaluation of Mineral Resources*. International Accounting Standards Board (IASB).

3. Horngren, C.T., Datar, S.M., Rajan, M. — *Cost Accounting: A Managerial Emphasis*. Pearson.

4. ExxonMobil Annual Report. – www.exxonmobil.com

5. Royal Dutch Shell Sustainability Report. – www.shell.com

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги — Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мослаштириш дастури.

7. Жўраев А. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2021.